

МАМЛАКАТИМИЗДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИШ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎРНИ

Шерзод Солижонович Махсудов

Фарғона давлат университети тадқиқотчи

Аннотация: *Мазкур мақолада тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияни жорий этиш, тўқимачилик саноати тармоғини ривожлантириш, тўқимачилик соҳасида соғлом инвестициявий муҳит яратиш, инвестицион фаолиятини бошқариш, иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожланиш, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, товарлари рақобатбардошлиги назарий асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *Инвестициявий муҳит, калава ипи, ип газлама, трикотаж матоси, трикотаж маҳсулотлари, тайёр маҳсулот тайёр тикувчилик маҳсулотлари, рентабеллик, замонавий технологиялар, тўқувчилик дастгоҳлари.*

РАЗВИТИЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В НАШЕЙ СТРАНЕ ЗАМЕНЯЕТ ИНВЕСТИЦИИ.

Annotation: *This article discusses the production of textile products, the introduction of new equipment and technologies, the development of the textile industry network, the creation of a healthy investment environment in the textile industry, investment management, innovation and investment activities. The development of the economy, the supply of raw materials and materials, the competitiveness of goods are theoretically substantiated.*

Key words: *Investment environment, kalava yarn, yarn spinning, knitted fabric, knitwear, finished garments, profitability, modern technologies, knitting machines.*

THE DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY IN OUR COUNTRY REPLACES INVESTMENTS.

Аннотация: *В данной статье рассматриваются производство текстильной продукции, внедрение новой техники и технологий, развитие сети текстильной промышленности, создание здоровой инвестиционной среды в текстильной отрасли, управление инвестиционной деятельностью, инновационно-инвестиционная деятельность. Теоретически обоснованы развитие экономики, снабжение сырьем и материалами, конкурентоспособность товаров.*

Ключевые слова: *Инвестиционная среда, пряжа калава, прядение пряжи, трикотажное полотно, трикотажные изделия, готовые швейные изделия, рентабельность, современные технологии, вязальные машины.*

КИРИШ

Хориж бозорлари талабларига жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишда корхонада маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Режалаштирилган мақсадга эришиш учун 2020-2026 йилларга мўлжалланган тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини ривожлантириш концепцияси Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан ишлаб чиқилган. Унга кўра Республика ҳудудида чет эл инвестициясини жалб этиш, тижорат банклари қарзи ва ўз маблағи ҳисобига 170 дан ортиқ объектларни техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва янги қурилишларни барпо этиш ишлари амалга оширилди. Натижада, 2026 йилда 940 минг тонна калава ипи, 1425,9 млн. м² тайёр ип газлама, 406,8 минг тонна трикотаж матоси, 1519,6 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 429 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулот турларини 2020 йилга нисбатан 4,7 марта, ип газламалари 4,4 марта, трикотаж буюмлари 5,2 марта, пайпоқ маҳсулотлари 2,5 марта, тайёр тикувчилик маҳсулотлари 3,9 марта ўсишига эришилади.

Ҳозирда тўқимачилик саноати тармоғини ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили бу экспортга мўлжалланган, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали республикамизнинг валюта захираларини тўлдирувчи ва бойитувчи тармоқлардан бирига айлантиришдир.

Мамлакатимизда тўқимачилик соҳасида соғлом инвестициявий муҳит яратиш ҳамда жозибадорликни янада ошириш тармоқнинг жадал ривожланишига кенг имкониятлар яратади.

Адабиётлар тахлили.

Тўқимачилик саноати корхоналарини инвестицион фаолиятини бошқариш масалалари хорижлик олимлар Ф.Тейлор, П.Друкер, М.Портер, И.Гордон, М.Уэйтс, Д.Вольф, М.Энрайт ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ушбу соҳада МДҲ олимларидан Г.Б.Клейнер, А.А.Итыгина, Э.И.Крылов, А.Н.Дырдонова, В.В.Глухов, Л.Ф.Хомутова, М.И.Хайдарзода, П.А.Мухсинова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Н.М.Расулов, Б.А.Абдуллаев, Г.Д.Хасанова, Т.З.Тошпулатов, И.И.Солиев, Г.Б.Шоназарова, О.Э.Эрназаров каби олимлар изланишларида иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, саноат корхоналарининг инновацион ҳамда инвестицион фаолиятини бошқаришда

тўқимачилик корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ундаги бошқарув механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Тахлил ва натижалар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижобий ўзгариш тенденциялари билан бир қаторда соҳанинг жадал суръатларда ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар билан таъминлашдаги беқарорлик, марказлашган импорт тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, айрим хом ашё ва материаллар турлари учун бож тўловларининг юқорилиги;

- замонавий тикув ва бўёвчи корхоналарнинг етарли қувватда ишламаслиги, рентабеллиги пастлиги, замонавий технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги;

- товар ҳаракатини таъминловчи логистика тизимларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаштиришда ҳал этилмаган масалалар туфайли йирик бозорларга чиқиш имкониятининг чекланганлиги;

- соҳалараро кооперацияга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацияни татбиқ этишга эътибор ва рағбатнинг камлиги;

- малакали бошқарув тизими кадрларининг камлиги, бошқарув ходимларида раҳбарлик компетенцияларининг паст даражадалиги, ходимларни мотивациялаш тизими сустлиги ва бошқалар.

1-жадвал

Тўқимачилик фаолият тури бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, (млн.сўм)¹

Йиллар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й
Республика бўйича	604969,1	715851,7	568904,3	1195406,1	2079484,9	3763220,1	9813866,3
шундан:							
Қорақалпоғис тон Республикаси	41712,9	6011,2	19510,0	20074,0	86036,7	85945,9	565538,0
Андижон	29399,2	21619,4	21584,3	55554,5	225086,5	489692,0	823892,0
Бухоро	46325,4	64955,9	37366,2	32407,3	97826,3	311377,2	1027995,9

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (<http://www.ziyounet.uz/uploads/books/3602/53f33b88c19d3.pdf>)

Жиззах	66827,7	36187,2	61599,8	18221,1	53013,9	232027,6	895916,1
Қашқадарё	5659,2	9944,6	17778,1	164835,4	376268,2	128967,7	1285662,6
Навоий	15498,1	24329,8	15805,1	8816,1	73313,9	79819,3	362243,6
Наманган	46790,6	45163,8	40599,1	377118,4	174573,1	271868,8	1309069,2
Самарқанд	34643,0	57807,1	33863,4	40815,1	256351,9	304800,0	445364,7
Сурхондарё	26707,7	33175,6	18460,9	43599,7	60526,8	363007,6	228446,2
Сирдарё	8029,8	9908,5	7460,3	32410,6	40812,4	70502,2	700166,4
Тошкент	29650,6	20611,2	39063,7	18652,1	371279,4	417468,9	564659,0
Фарғона	147896,5	137489,6	114519,8	134877,3	95877,5	729224,1	544208,4
Хоразм	33056,2	180075,3	71991,2	49959,1	19704,3	65311,7	337598,5
Тошкент ш.	72772,1	68572,4	69302,5	198065,3	148814,0	213207,1	723105,3

Тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича таҳлил этилган статистик кўрсаткичларга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатда заиф томонлари сифатида тўқувчилик дастгоҳларининг маънавий эскирганлиги, малакали муҳандис-техник ходимларнинг етишмаслиги, газлама, мато маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг пастлиги, тикув ва трикотажга йўналтирилган маҳаллий матолар ишлаб чиқариш ривожланмаганлиги, айрим худудларда толани ўзлаштириш даражасининг пастлиги, халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий этган корхоналар сонининг камлиги аниқланди.

Республиканинг хом ашё бўлмаган товарлари рақобатбардошлигининг юқори даражада эмаслиги ҳақидаги фикрлар маркетингни ривожлантириш эвазига ташқи бозор рақобатига бардош бера олиши мумкинлиги, бир қатор ташкилий-иқтисодий масалаларни ечиш ҳисобига амалга оширилади.

Тармоқ корхоналари олдида 2030 йилгача бўлган истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 5,5 марта ошириш ҳамда 19,5 млрд. сўмга етказиш, шунингдек, хориж бозорлари талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда республикамиз тўқимачилик саноатини бошқа давлатларга қарам бўлишининг олдини олиш масалалари қўйилди. Мазкур масала ижобий ҳал этилиши учун тармоқ корхоналарида тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарурий хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар заҳирасини, хом ашё балансини баҳолаш талаб этилади (2-жадвал).

2-жадвал

2017-2021 йилларда тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик саноатини ривожлантириш учун зарур хом ашё баланси ва ярим тайёр маҳсулотлар таркиби динамикаси²

Т/р	Маҳсулот	Ўлчов	2017	2018	2019	2020	2021	Прогноз	
								2025	2030
1.	Пахта толаси	Минг	410,2	521,1	715,5	887,4	982,4	1105,9	1117,6
2.	Кимёвий лар ва иплар	Минг	87,5	103,8	194,4	298,3	343,0	394,5	552,3
3.	Пахта калава	Минг	102,4	132,8	182,5	226,3	305,1	425,8	530,0
4.	Тайёр ама	Млн. кв.м	286,9	344,7	371,5	433,7	808,5	1212,8	1723,3
5.	Трикотаж си	Минг	67,7	92,6	146,7	234,4	309,5	419,4	541,2
6.	Тўқимачилик нтереяси	Млн.	575,0	809,0	850,0	1139,0	1278,0	3268,0	4642,4

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республикада тўқимачилик ва трикотаж-тикувчилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун импорт ўрнини босувчи зарурий хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш юқори суръатларда ривожланмоқда. Айниқса, тўқимачилик галантереясини ишлаб чиқариш, кимёвий толалар ва иплар ишлаб чиқариш ҳамда тайёр газламалар ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари юқори эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Агар 2017 йил жами маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан пахта калава ипининг салмоғи 61 %ини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 38,5 %га тушган. Истиқболда 2030 йилга келиб, мазкур кўрсаткични 26,7 %гача камайтириш мақсадга мувофиқ. Мақсад пахта калава ипини экспорт қилиш ҳажмини оширишга эмас, балки фақатгина тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатишга қаратилган.

Тармоқ корхоналарида юқори қўшилган қийматга эга тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари улушини оширишга қаратилган фаолият олиб борилмоқда. Агар 2017 йил тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг салмоғи жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 15,5 %га тенг бўлса, бу кўрсаткич 2020 йил 34 %ни ташкил этди. Демак, бугунги кунда тармоқ корхоналарида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш салмоғини ошириш тенденцияси кузатиляпти.

2021 йил ишлаб чиқарилган калава ипнинг 60 % мамлакатимизда қайта ишланган, яъни тўқув ва трикотаж ишлаб чиқаришида ишлатилган, 20%и экспорт қилинган, 17 %и эса ички бозорга савдога чиқарилган.

Хулоса ва таклифлар.

² “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Республикамиз тўқимачилик саноати олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммолардан яна бири тўқимачилик корхоналарининг янги техника ва технология билан етарли даражада жиҳозланган бўлишига қарамай, ўрнатилган дастгоҳлардан тўлиқ ва самарали фойдаланмасликдир. Шу боисдан ҳам, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган яримфабрикатларни ташқи бозорда сотишга мажбурлар. Кейин, мана шу яримфабрикатлардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар Ўзбекистонга яна қайта импорт қилинади (газлама, тайёр тикувчилик буюмлари).

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда импорт қилинаётган тўқимачилик саноати товарлари улушини камайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги технологияларни жорий этиш орқали маҳаллий корхоналаримизда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишимиз зарур.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган ишларни амалга оширишда, бир томондан, пахта уруғлигини етказиб берувчилар ва пахта толасини етиштирувчилар ўртасида, иккинчи томондан эса, пахта толасини етказиб берувчилар ва пахтага ишлов берувчилар ўртасида молиявий жиҳатдан манфаатдорликни ва технологик ўзаро боғлиқликни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияларни йигирув-тўқув ишлаб чиқаришидан тикувчилик-трикотаж тармоғига кўпроқ йўналтириш керак, деб ҳисоблаймиз. Капитал сиғими юқори бўлгани бирламчи тўқимачилик тармоғига инвестицияларни жалб этиш бошланғич босқич учун мақсадга мувофиқ эди. Бугунги кунда жаҳон бозори йигирув ҳамда тўқув ишлаб чиқариши маҳсулотлари билан тўйинган, натижада ривожланаётган давлатлар ўртасида калава ип ҳамда хом сурп кучли рақобат билан тавсифланмоқда. Оқибат натижада корхоналарда фойда даражаси паст бўляпти, ҳатто корхоналарнинг рентабеллиги пасайиб кетмоқда.

Бундай шароитда барча тўқимачилик корхоналарига имтиёзлар ва преференциялар бериш, интеграциялашган ишлаб чиқаришни яратаётганларига эса, калава ипи ёки газламага ишлов бериш, бўяш-пардозлаш ишларини амалга ошириши, тикувчилик ишлаб чиқаришини ташкил этиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жиҳатлари —Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар»

илмий электрон журнали, 5.

3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.

4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.

5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.

6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.

7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931

8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.

9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириши ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.

10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of engineering and communication infrastructure in the organization and development of the free economic zone. asia pacific journal of marketing & management review issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.

11. Махсудов Шерзод Солижонов (2023). Эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг фаолиятига инновацион муҳитнинг таъсири. Research Focus, 2 (1), 516-522.

12. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. European Journal of Interdisciplinary Research and Development Website: www.ejird.journalspark.org 2023 may Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 932

13. Ш.С Махсудов Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тармоғини ривожланиш ҳолати таҳлили Finland International Scientific Journal of Education 2022 924-932

14. Хамракулов, И. Б. (2023). Организационно-экономическая характеристика развития электроэнергетических предприятий в узбекистане. models and methods for increasing the efficiency of innovative research, 2(23), 398-402.

15. Хамракулов, И. Б. (2023). Жаҳонда «яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари. Finland International Scientific Journal of Education,